

ТА'ЛИМ



TEXNOLOGIYALARI

№ 5-6 (67-68)
2017-yil

Ilmiy-uslubiy jurnal



Бу сонда: *O.O. Karimov.*

INTEGRATSIYALASH DARSLARDA PEDAGOGIK TA'SIR KO'RSATISHNING
O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI 12

G. Komolova.

AKADEMIK LITSEY VA KASB-HUNAR KOLLEJLARI TALABALARI UCHUN
SONLARNING KVADRATINI TOPISH USULLARI 35

Z.R. Bakiyeva.

ТА'ЛИМНИ АХБОРОТЛАСHTIRИШ ВА ИНФОРМАТИКА О'QITИШ МЕТОДИК
TIZIMINING EVOLYUTSIYASI 103

Ф.М.Закирова.

КРЕАТИВНОЕ ОБУЧЕНИЕ НА КУРСАХ ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ
КВАЛИФИКАЦИИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ 168

№ 5–6 (67–68)

2017-yil

ISSN 2181–0141

TA'LIM TEKNOLOGIYALARI

Ilmiy-uslubiy jurnal

2005 йилдан нашр этилади. Бир йилда 6 мартаба чоп этилади

Муассис:
"YANGI PEDAGOGIK
TEKNOLOGIYALAR"
масъулияти чекланган
жамияти

ЖУРНАЛ ТАХРИРИНИНГ
ТАРКИБИ:

Бош муҳаррир –

т.ф.д., проф. КАЛАНДАРОВ
Палван Искандарович

Бош муҳаррир ўринбосарлари:

г.ф.н. МАҲМУДОВ Бердивой
ф.ф.н. ЧИНИҚУЛОВ
Нормурод Жумамуродович

Масъул котиб –

ф.ф.н. СУЛТОНОВА
Қумрихон Алламбаевна

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Тахрир хайъатининг раиси –
п.ф.д. проф. ИНОЯТОВ
Улугбек Илясович

Авезов Ш. М., Азизхўжаева Н.Н.

Алиев П.Б. (Азербайджан)

Гафурова Л. А.,

Д. Херман (Буюк Британия)

Земсков А.Н. (Россия),

Ирсалиев Х.И. Каландаров П.И.

Қурбонов Ш.Э.,

Кнаупе Х.Й. (Германия)

Қуронбоев Қ.Қ. Қуронов М.Қ.,

Логунова О.С. (Россия)

Марченко Г.В. (Украина)

Маҳмудов Б., Муслимов Н.А.

Онегина Н.П. (Россия),

Султонова Қ.А., Турдиев Н.Ш.,

Чиниқулов Н.Ж., Цой М.Н.,

Цогтын Батмунх (Монголия)

Юсупбеков Н.Р.

Журнал фақат обуна орқали
Ўзбекистон Республикасидаги
барча алоқа бўлимларида
ва "Матбуот тарқатувчи" АЖ
офисларида тарқатилади.

ОБУНА ИНДЕКСИ: 1119, 1120.

Журнал распространяется только
по подписке во всех отделениях
связи, а также в офисах АО
"Матбуот тарқатувчи"
Республики Узбекистан.

ПОДПИСНОЙ ИНДЕКС: 1119, 1120.

Мақолалар муаллифлар тўла
таҳририда чоп этилган.

Статьи издаются полностью
в авторской редакции.

© "Ta'lim texnologiyalari", 2017-y.

МУНДАРИЖА

О. Абдурахмонов. АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН Фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш.....	3
М.Ч. Саидова. ОИЛАДА СУИЦИДАЛ ХУЛҚНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР.....	5
М.Н. Абилов, Н.Х. Ҳасонова. ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ВА УМУММАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА МУСИҚА ДАРСИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	8
О.О. Каримов. INTEGRATSIYALASH DARSLARDA PEDAGOGIK TA'SIR KO'RSATISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	12
Н. Маматқулова. МЕҲНАТ ЖАРАЁНИДА ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ МУАММОСИ.....	15
В.Н. G'oziyev. МАТЕМАТИКАДАН DARS DAN TASHARI MASHG'ULOTLARDA "SON NOSIL QILISH" MASHQLARINI TASHKIL QILISH UCHUN TAVSIYALAR.....	18
З. Халилова. ГЕОГРАФИЯ ФАНИДА КОМПЕТЕНТЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ.....	22
Б.Х. Хужамов. ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИК ЎҚУВ ФАОЛИЯТ САМАРДОРЛИГИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТИ.....	26
К. Эшқувватов, Ш.И. Низомова. МАЛАКА ОШИРИШ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ АХБОРОТ МАДАНИЯТИ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.....	29
Б.А. Қулматова. АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ.....	33
Г. Котолова. АКАДЕМИК LITSEY VA KASB-HUNAR KOLLEJLARI TALABALARI UCHUN SONLARNING KVADRATINI TOPISH USULLARI.....	35
А.А. Исмаилов. СИФАТНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ (Халқаро тажриба).....	37
Т.Ф. Ёқубов, С.Х. Холматов. УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР – ИҚТИСОДИЙ УСИШНИНГ ОМИЛЛАРИ СИФАТИДА.....	42
М.Т. Абдуллаев, Х.А. Бакиева. КАСБИЙ ТАЛИМ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ.....	44
Е.М. Евич. ОРГАНИЗАЦИЯ ПРОЕКТНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПО ЛИТЕРАТУРЕ В 5 КЛАССЕ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ВЕБ-САЙТА "КРУГ СЕМЬИ".....	48
Ф.Қ. Қурбонова. ТАЪЛИМНИНГ ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРИ.....	56
О.О. Сувопов, J.N. Po'latov, T.T. Jo'raqulov. TA'LIM JARAYONIDA BOSHQARUV NAZARIYASI AMALIY MASALASINING TADQIQOTI.....	61
Д.Р. Абдумаджидова. ВЗАИМОСВЯЗЬ АССЕРТИВНОСТИ И МОРАЛЬНЫХ ОСНОВ ОБРАЗА ДЕЙСТВИЙ СТУДЕНТОВ.....	65
М. Tagajanova. PURPOSES AND TASKS OF ENGLISH LANGUAGE SUBJECT MONTHAT SECONDARY SCHOOL LEVEL.....	68
И.Н. Максютта. ПРИМЕНЕНИЕ ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ НА УРОКАХ ХИМИИ.....	72
И.О. Захидов, У.С. Бобохўжаев. ФИЗИКА КУРСИДА АТОМ ТУЗИЛИШИНИ ЎҚИТИШДА ЭХТИМОЛЛИК ТУШУНЧАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ФАКУЛЬТАТИВ МАШҒУЛОТ.....	77
Г.А. Артикова. МАТЕМАТИКАНИ КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ҲАМКОРЛИКДА ЎРГАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	80

Қўлёмалар тақриз қилинмайди ва
қайтарилмайди. Журналда ёритилган
материалларнинг ҳаққонийлиги учун
мақолаларнинг муаллифлари ва реклама
берувчилар масъулдирлар.

Нашр Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан 28.11.2011 йил
№02–00154 рақам билан қайта
рўйхатга олинган.
Манзил: 100000, Тошкент ш.,
Малик Қаҳҳоров кўчаси, 42-йў.

"Ta'lim texnologiyalari" журнали тахри-
рияти, тел.: (+99890)917–03–70
(+99890)977–18–34, (+99894)654–11–47
Мақолалар электрон почта орқали
қабул қилинади: E-mail: tt-jurnal@mail.ru
Web сайт: www.tt-uz.ru

Босишга рухсат этилди 21.12.2017.
Адади 500 нусха. Буюртма №761.
"NISO POLIGRAF" МЧЖ босмахонасида
чоп этилди.
Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ
тумани, "Оқ-Ота" ҚФЙ, Марказий кўчаси, 1-йў.

Л.М. Набиуллина, Ш.А. Абдурахманова. ИНФОРМАТИКА БЎЙИЧА ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИНИ ФАНЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИГИ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ.....	86
А.Х. Очиллова. ОСОБЕННОСТИ ОБУЧЕНИЯ ЛЕКСИКЕ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА.....	89
S.A. Umarov. O'ZBEK XALQ CHOLG'ULARI ORKESTRINING YARATILISHI VA SHAKLLANISHI.....	93
N.A. Boboyarova, S.Y. Rahmanova, U.F. Abdullayeva. VEKTORLAR YO'RDAMIDA TURLI MASALALAR YECHISH (Dars ishlanma).....	97
Z.R. Bakiyeva. TA'LIMNI AXBOROTLASHTIRISH VA INFORMATIKA O'QITISH METODIK TIZIMINING EVOLYUTSIYASI.....	103
P.M. Гатиятуллина, М.Р. Закирова. РАЗВИТИЕ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ.....	108
M. Eshniyazova, F. Qalandarova, N. Otaniyazova. LOGARIFMIK TENGLAMALARNI YECHISH USULLARI.....	110
Sh.A. Jo'rayeva. INGLIZ TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARDA GAPIRISH KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH.....	114
Ш. Қаршиев. “БАРКАМОЛ ШАХСИ ТАРБИЯЛАШ – МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИНГ БОШ МАҚСАДИ” МАВЗУСИДАГИ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	117
G.R. Azimova. O'NLI KASRLARNI QO'SHISH VA AYIRISH MAVZUSINI O'RGATISHDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINI QO'LLASH.....	120
A.A. Турсунова. ИНТЕГРАЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ПРОИЗВОДСТВА И МЕТОДЫ ЕЕ РЕАЛИЗАЦИИ.....	124
Н.И. Сангиров. ТАЛАБАЛАРДА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС МЕТОДЛАРИ.....	128
A.T. Ибрагимов. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.....	131
Н.Н. Таштемирова. МАТЕМАТИКА ФАНИ БЎЙИЧА ТАЯНЧ ВА ФАНГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИНГ ҚўЛЛАНИЛИШИ.....	134
Г.А. Бердалиева. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ (Эртақлар асосида).....	137
A.A. Турсунова. ОРГАНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИНФОРМАЦИОННЫХ И ТЕЛЕКОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ.....	141
T.E. Delov. IQTIDORLI TALABALARNING INTELEKTUAL SALOHİYATI VA TARBİYASIDA XALQARO TAJRIBALARINING AHAMIYATI.....	145
B. Arzimbetova. FIZIKA FANIDAN ZAMONAVIY DARSLARNI TASHKIL ETISHDA FANLARARO UZVIYLIK VA UZLUKSIZLIKNI TA'MINLASH, MUAMMO VA ECHIMLAR.....	147
G.C. Ибадуллаева. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИҚТСОДИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ.....	150
M.M. Мусурманқуллова. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўЛЛАРИ.....	153
И.И. Юсупова. ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАРВИРИДА ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБИГА ҚўЙИЛГАН ТАЛАБЛАР (Абу Наср Форобий қарашлари мисолида).....	156
I.O. Xoimurodov. ONA TILI DARSLARIDA AXBOROT – KOMMUNIKASIYA TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI.....	159
C.Ф. Абдирасилов, Р.Р. Жабборов, Ҳ.П. Рўзиева. ТАСВИРИЙ САҲЪАТ ДАРСЛАРИДА ХИТОЙ РАНГТАСВИРИНИНГ ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	161
Ф.М. Закирова. КРЕАТИВНОЕ ОБУЧЕНИЕ НА КУРСАХ ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ.....	168
M.A. Rasuleva. KORXONALARDA METEOROLOGIK KO'RSATKICHLARNI ANIQLASHDA ZAMONAVIY USKUNALARDAN FOYDALANISH KO'LAMI.....	171
S.B. Sanayeva. O'QUVCHI-TALABALARINING MA'RUZA MASHG'ULOTLARIDA SUBYEKT SIFATIDAGI FAOLIYATI.....	178
И. Ахмедов, Ф. Пирматова. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КАДРЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШДА ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ.....	181
Г.А. Джаналиева. “ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ШАКЛ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ” МАВЗУСИНИ ЎТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	185
C. Турғунова. АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ-ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ.....	190
Г. Муртазаева, Ш. Хожиева. “ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ” ФАНИНИ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ.....	193
T.E. Delov. ВЫЯВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ ОДАРЕННЫХ СТУДЕНТОВ В ТЕХНИЧЕСКИХ ВУЗАХ.....	197
C.Ў. Абдуллаева. ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ.....	200
Д.Э. Қўшжонова. ЎРГАНУВЧИЛАРНИНГ ШАХСИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ.....	204

“ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ” ФАНИНИ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

*Г. Муртазаева – Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институтининг ассистенти*

*Ш. Хожиева – Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро
муҳофазаси институтининг магистри*

- Мақолада «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанини инновацион усуллар асосида ўқитишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар ёритилган.
- В статье освещены вопросы повышения эффективности обучения на основе инновационного метода при изучение предмета «Безопасности жизнедеятельности».
- The article highlights the issues of improving the effectiveness of training on the basis of innovation of the on-line method in the study of the subject of «Safety of life».

Калит сўзлар: таълим, самарадорлик, ҳаёт хавфсизлиги, фавқулодда вазият, илғор инновацион технологиялар, метод.

Ключевые слова: образование, эффективность, безопасность жизнедеятельности, чрезвычайное положение, передовые инновационные технологии, метод.

Key words: education, efficiency, safety of vital activity, emergency situation, advanced innovative technologies, method.

Маълумки, бугунги кунда узлуксиз таълим тизими, шу жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг рақобатбардош мутахассислар тайёрлашдаги ролини ошириш кўп жиҳатдан мазкур таълим муассасаларидаги инновацион жараёнларни тизимли бошқаришга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Чунки инновацион жараёнларни тизимли бошқариш олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув жараёни самарадорлигини таъминлаш ва юқори салоҳиятга эга кадрларни тайёрлашнинг муҳим омилidir.

Республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва ушбу дастур асосида олиб борилган ислохотлар натижасида таълим сифати ва самарадорлиги кескин ошди. Таълим муассасаларининг моддий-техник базалари мустаҳкамланди. Шуни қониқиш билан айтиш мумкинки, замонавий таълим тизимининг жорий этилиши бугунги кунда ижобий натижалар бермоқда. Эндиги, биз

педагогларнинг вазифаси замонавий техник таъминотга эга таълим муассасаларида талаблар даражасида инновацион таълим технологиялари асосида ёшларимизга таълим-тарбия беришдан иборат бўлмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир педагог ўз устида мукамал ишлаши, замондан орқада қолмаслиги, ўқитишнинг инновацион технологияларини пухта билиши ва ўз фаолиятида жорий этиши зарур. Ҳозирги кунда эски анъанавий услубдаги дарслар ёшларимиз эҳтиёжини қондирмайди, улар бундай дарсларни тинглагиси келмайди. Чунки, фикрлаш ва тафаккур бошқа, айнан бирор фан бўйича билимга эга бўлиш бошқа. Фикрлаш ва тафаккур табиий ақлмахсули, билим олиш эса – бу таълим муассаси, педагог фаолияти маҳсули. Ёшларимизни фикрлаши ва тафаккури бундан 15–20 йил аввалги ёшларга нисбатан анча баланд ва тездир.

Айнан шу боис XXI аср – интеллектуал билимлар асрида инсон капиталига инвести-



циялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат том маънодаги бипимли жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади. Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий, мунтазам янгиланиб турган технологияларни ўзлаштиришга қодир юксак билимли ва интизомли ишчи кучини мунтазам тайёрлашга боғлиқдир. Бундай ишчи кучисиз иқтисодиётнинг юқори технологияларга асосланган замонавий тузилмасини шакллантирадиган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди. Ҳар қандай давлат мамлакатнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор бўлмоғи керак [1].

Жамиятда билимли, маълумотли ва юксак интеллектга эга одамларнинг мавқеини ошириш; таълим ва касб-ҳунар дастурларининг жаҳондаги таълим, илм-фан, техника ва технологиялар, иқтисодиёт ҳамда маданият соҳасидаги замонавий ютуқларга мувофиқлиги; таълимни ёшларнинг келажакдаги амалий меҳнат фаолияти билан узвийлигини таъминлаш; таълим олаётган ўқувчи-ёшлар онгида умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлаш устуворлигини шакллантириш; таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан муштараклиги, бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш таълим тизимини ислоҳ этишнинг асосий принциплари бўлиши лозим.

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фанини ўқитиш борасида миллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, фанларнинг намунавий ўқув дастурларини такомиллаштириш ва улар асосида маъруза матнлари, янги авлод ўқув адабиётлари, электрон адабиётларни яратиш ва таълим жараёнига босқичма-босқич жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Фан бўйича электрон ўқув воситаларининг яратилиши мазкур фанни ўқитишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиради. Бу ўз навбатида, талабаларнинг мазкур фан бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришларининг асосий омили бўлиб, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширади. Фаннинг наза-

рий ва амалий қисмларини бугунги кун талаблари даражасида шакллантириш – таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг татбиқ этишни янада жадаллаштириш, профессор-ўқитувчиларни илғор педагогик билимлар ва технологиялар билан қуроллантириш, уларнинг маҳоратини ошириш, хорижий олий таълим муассасалари тажрибасини чуқур ўрганиш ҳамда улардаги самарали усул ва воситаларни миллий таълим тизимизга жорий этиш имконини яратади.

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фанининг таркибий қисмлари орасида “Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик” қисми кенг қамровли бўлим ҳисобланиб, у фавқулодда вазиятларнинг турлари, уларнинг хусусиятларини ва келиб чиқиш сабабларини ҳамда фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф эиш усул воситаларини ўрганади [2].

Кейинги вақталарда фавқулодда вазиятларда, дунё миқёсида кўпайиб бораётганлиги, кўпгина давлатларнинг барқарор ривожланишига жиддий салбий таъсир этказмоқда. Бинобарин, Ватанимиз ҳудудлари ҳам турли фавқулодда вазиятлардан ҳоли эмас. Ўзбекистоннинг иқлими, табиий тузилиши, табиий-геологик шароити, ишлаб чиқариш тармоқларининг жойлашуви ўзига хос турли фавқулодда вазиятлар юзага келиши ва тарқалишига сабаб бўлади. Шу боис, мазкур ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолини хавфсизлигини таъминлаш ўта долзарб ва муҳим жабҳалардан биридир.


Юқоридагилардан келиб чиқиб олий таълим муассаларида «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанининг «Фавқулодда вазиятларнинг турлари ва хусусиятлари» мавзусини ўқитишда қуйидаги инновацион усулларни тавсия этамиз.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги ўқувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Ўқувчилар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлиши керак, чунки муаммони ечимини топа олмаса ўқувчиларнинг қизиқишлари сўниши ва болалар ўзига бўлган ишончини йўқотиши мумкин. Дарс жараёнида ушбу методдан фойдаланганда ўқучилар мустақил фикр юртишга, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишга, унинг ечимини топишга ўрганадилар.



“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фанини ўқитишда “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдириш

Вазиятдаги муаммолар тури	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари
<p>1-муаммо: Гидротехник иншоотларнинг шикастланиши натижасида сув тошқинининг юзага келиши</p>	<p>Гидротехник иншоотларни лойиҳалашда, қуришда, фойдаланишда ёки назорат қилишда йўл қўйилган камчиликлар</p>	<p>Сув тошқини содир бўлганда, сув тошқинига перпендикуляр тарзда ўнга ёки чапга ҳаракат қилиш ёки яқин атрофдаги баландроқ жойга чиқиш лозим</p>
<p>2-муаммо: Қор кўчкиси содир бўлиши натижасида инсоннинг қор остида қолиши</p>	<p>Тоғли ҳудудларда кўп қор ёғиши ва ҳаво ҳароратининг изчил кўтарилиши натижасида қорнинг пастга ҳаракатланиши</p>	<p>Қор кўчкиси осита қолган киши дастлаб қай ҳолатда ётганини аниқлаб олиб, шунга қараб ҳаракатланиши керак. Бақирмаслик, асло саросимага тушмаслиги керак</p>
<p>3-муаммо: Ёнғин натижасида бинонинг ичидаги одамларнинг қолиб кетиши</p>	<p>Бинодаги чиқиш йўллارнинг турли буюмлар билан тўсиб қўйилиши ёки бинода одамларнинг эвакуация чиқиш йўлларининг мавжуд эмаслиги</p>	<p>Бинодан одамларни қутқариш учун зудлик билан олов шиддати-ни пасайтириб чиқиш йўлларини очиш ёки ташқи томондан кранлар ёрдамида одамларни қутқариш</p>



1-расм. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фанига оид кластер


Бу метод айниқса ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилиш жараёнини чуқур ўрганишда, шунингдек, технологик жараёнларни умумлаштириб, муаммонинг энг мақбул ечимини танлашда қўл келади.

“Кластер” методи ўқувчиларни бирон-бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, уларда мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни чуқур таҳлил этган ҳолда эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

“Балиқ скелети” методи – бир қатор иқтисодий муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Талабаларда тизимли фикрлаш, муаммо ечимларини умумий тузилмага келтириш, муаммони таҳлил қила олиш кўникмаларини ривожлантиради. Дастлаб чизмани тузиш қоидаси билан таништирилади. Талабалар ҳар бири

алоҳида ёки кичик гуруҳларда балиқнинг юқори «суягида» кичик муаммони ифодалаб, пастда ушбу кичик муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далилларни топиб ёзадилар.

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фанини ўқитишда муаммоли вазиятларга асосланган педагогик технологияларидан жумладан, “Муаммоли вазият”. “Кластер”, “Балиқ скелети”, “Лойиҳа”, “Нилуфар гули” методларидан фойдаланиш, талабаларни фикрлашга, муаммоларни ҳал этиш кўникмаларини ҳосил қилишга, кашфиётларга интилиш, ҳамкорлик ва шериклик сифатларини шакллантиришга, ўқитувчи томонидан берилган вазифаларни ҳал этиш режасини тузишга ва энг асосийси талабалар олдида қўйилаётган муаммони ҳал қилишга, уни мустақил муҳокама қилишга қодир қилиб таълим ва тарбия бериш имкониятини яратади.



2-расм. Фанни ўқитишда «Балиқ скелети» методини қўллаш.

Умумий хулоса қилиб айтганда, олий таълим тизимида фанларнинг назарий ва амалий асосларини мунтазам равишда такомиллаштириш, ўқув режа ва дастурларини янгилаб туриш, таълим жараёнини модернизация қилиш, илғор инновацион технологияларни қўллаш кўламини тобора кенгайтириш ва албатта замон талаби асосида педагог кадрлар малака-

сини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мазкур соҳа ривожланишининг асосий тамойилларидан ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ёрматов Ф.Ё., Юлдашев О.Р., Ҳамраева А.Л. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. – Т. – 2009.



2. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. – Т., “Фан”, 2004.

3. Гаффоров Я.Х. Махсус фанларни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари – Т., “Университет”, 2008.

Гульноза Рахмат қизи Муртазаева – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ассистенти. Тел.: (+99890) 952–09–92. E-mail.: aliakbar@mail.ru

Шахноза Акромовна Хожиева – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда қазиятлар вазирлиги “Фуқаро муҳофазаси” институти магистранти. Тел.: (+99890)912–25–26. E-mail.: hojieva@mail.ru